Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1992 йил 18 июль • шанба

№ 107 (10.356). Баҳоси 2 сўм.

«САМСУНГ» ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

16 июль куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Жанубий Кореядаги машҳур «Самсунг» фирмаси раҳбариятининг корпорация вице-президенти Ж. Ким бошчилигидаги вакиллари билан учрашди. Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Чунончи, кореялик ишбилармонлар Ўзбекистонда радио ва телеаппаратлар, болалар таомлари ҳамда бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этишга тайёрлар. Учрашувда таъкидланганидек, «Самсунг»нинг Ўзбекистонга бу қадар катта қизиқиш билан қараётганининг боиси, аввало Ислом Каримов Корея Республикасига ташриф буюрган вақтида корпорацияга борганлигидир. Ўша вақтдаёқ ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинган эди.

Суҳбатда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков иштирок этди.

Суратда: учрашув пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ сурати.

(ЎзА).



ЎЗБЕКИСТОНГА — ТУРКИЯ ДОНИ

Сўнгги вақтда Ўзбекистон — Туркия муносабатлари эришилган аҳдномалар асосида жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Туркия Бош вазири С. Демирэлнинг Давос, Тошкент, Истанбул ва Хельсинкидаги учрашувлари ҳамда музокаралари бу муносабатларнинг жадал ривожланишига кўмаклашди. Ўзбекистон—Туркия муносабатлари сиёсат, савдо, иқтисодиёт, илм-фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига тааллуқлидир. Бугун биз газетхонлар эътиборига Анқарада ҳар куни чиқадиган ҳукумат ахборотномаси — «Расмий газета»да 1992 йил 14 июлда эълон қилинган муҳим ҳужжатни ҳавола қиламиз. Бу ҳужжат Туркиянинг Ўзбекистонга 2 миллион тонна дон етказиб бериши тўғрисидадир.

ТУРКИЯНИНГ «ТУПРОҚ МАҲСУЛЛЕРИ ОФИСИ» (ТМО) ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШИ ТЎҒРИСИДАГИ

ҚАРОРИ

1-модда. «ТМО»нинг 2000000 тонна донни Ўзбекистон республикасига жаҳон нархларида жўнатишига рухсат этилсин.

Бу битим давлат кредити шартларида уч йилда қайтариб бериш шарти билан амалга оширилади.

2-модда. Дон нархини Туркия Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги тасдиқлайди. Муздини ва бошқа шартларини давлат ҳазинаси белгилайди.

3-модда. Доннинг ҳаммаси жўнатилгандан кейин «ТМО» шу битим натижасида кўрилган барча зарарлар ҳақида давлат ҳазинасига хабар беради, бу зарарлар давлат ҳазинаси томонидан қопланади.

4-модда. Бу қарор газетада эълон қилинган пайтдан кучга киради.

5-модда. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда ҳазина билан боғлиқ Туркия Республикаси давлат вазирлари зиммасига юклатилади.

Президент

Турғут ЎЗОЛ

Бош вазир

Сулаймон ДЕМИРЭЛ

Барча давлат вазирлари имзо чекканлар.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 16 июль куни Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан—Пьер Риттерни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида халқаро майдонга чиққан мустақил Ўзбекистон дунёдаги мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун яхши имкониятларга эга эканлиги таъкидланди. Мустақил, холис давлат бўлган Швейцария Ўзбекистон Республикаси учун айниқса қизиқарлидир.

Швейцария дипломати ишонч ёрлиғини топшириш чоғида: Ўзбекистон — ишончли ҳамкор, бу эса ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кафолатидир, деб таъкидлади.

Жан—Пьер Риттер И. А. Каримовга Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси ишонч ёрлиғини топширди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ШВЕЙЦАРИЯ КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

Жан—Пьер РИТТЕР



Жан—Пьер Риттер 1931 йилда Шо—де—Фонда (Нешатель мухторияти) туғилган. Лозанна ва Гетингенда дорилфунун таълимини олган. Ҳуқуқшунослик доктори. 1958 йилдан буён Ташқи ишлар федерал департаментида ишлайди:

1962—1970 йилларда Жазоир ва Хитойдаги элчихоналарда,

1970—1974 йилларда — Халқаро давлат ҳуқуқи бўлими раҳбари,

1976—1980 йилларда — Куба Республикасида элчи,

1980—1984 йилларда — Сиёсий котибият раҳбари,

1984—1991 йилларда — Австрияда элчи,

1991 йилдан бери — Москвада элчи.

1992 йилнинг май ойида Жан—Пьер Риттер Швейцария Конфедерациясининг ўринбошлик асосида қароргоҳи Москвада бўлган Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги:

ТОШКЕНТ ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА

16 июль куни Тошкентда МДҲ давлатлари ташқи ишлар вазирлари, мудофаа вазирлари чегара қўшинлари қўмондонлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ишчи гуруҳининг кенгаши бўлди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов кириш сўзи билан очди. У учрашув қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг самарали ишлаш истакларини етказди.

Қўшма мажлисда бир қанча ҳужжатлар муҳокама қилинди. МДҲ Бирлашган қуролли кучлари бош қўмондони, авиация маршали Е. И. Шапошников Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлардаги можаро зоналарида тинчликни сақлаш коллектив кучларини ишга солиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш ҳақида гапирди.

Кенгаш қатнашчилари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги жанубий чегараларини қўриқлашнинг аҳволи ва унинг пухталиги билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар, бу масала Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг таклифи билан кун тартибига киритилган эди.

Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгашининг доимий ишчи органи тузилиши, сони ва унинг фаолиятини таъминлаш тўғрисидаги; Мустақил Давлатлар

(Давоми 2-бетда).

ТОТУВЛИК—МАЪМУРЧИЛИК МАНБАИ

Халқимизда «Бир кун жанжал чиққан уйдан 40 кун барака кўтарилади» деган ажойиб нақл бор. Ҳозир Собиқ Иттифоқнинг турли минтақаларида рўй бераётган биродаркушлик уруши нафақат бу давлатлар иқтисодиётини хонавайрон қилмоқда, балки қанчадан-қанча одамларнинг, ёшу қари, хотин-қизларнинг беҳуда ўлиб кетишларига олиб келмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўзбекистон сиёсий партиялари, жамоат ҳаракатлари ва уюшмалари, барча аҳолига Мурожаатида бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлигини таъминлаш энг асосий, энг муҳим вазифа эканлиги таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўнинчи сессияси якунлари ва унинг қарорларини амалга ошириш юзасидан вазифаларга бағишланган Пискент район фаолларининг йиғилишида ҳам ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини ушлаб туриш аҳамияти қайта-қайта таъкидланди.

Вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, ҳукумат ўтказаётган ички ва ташқи сиёсат халқимизнинг аксарият кўпчилиги томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланаётганлигини мамнуният билан айтди. Бу танг аҳволга тушиб қолган иқтисодиётни соғломлаштириш, ишбилармонликни ривожлантириш, мулкчилик турли шаклларига тенг имкониятлар яратишда, халқаро майдонда фаол, республика фуқаролари манфаатларини кўзлаб қилинаётган саъй-ҳаракатларда ўзининг ёрқин ифодасини топяпти.

Юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган Тошкент вилояти, шу жумладан Пискент районида ҳам тотувликни сақлаб туриш бунёдкорлик режаларини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартидир. Одамлар ўз турмуш даражаси, рўзғорига қараб ўтказилаётган иқтисодий сиёсатга баҳо беради. Ҳамма соҳада танглик ҳукм сураётган бугунги шароитда одамлар шахсий ташаббусига кенг йўл очиб бериш керак. Районда фермерлик ҳаракатини кучайтириш зарур. Афсуски, кейинги пайтларда ернинг, мулкнинг ҳақиқий хўжайинини тарбиялайдиган фермерчиликдан одамларнинг кўнгли совий бошлади. Бу ҳали ҳам жойларда тўрачилик, қоғозбозлик, сансалорлик давом этаётганлигидан далолат беряпти.

Бозор иқтисодиёти биз учун мутлақо янги ижтимоий воқеа — ишсизлик муаммосини кун тартибига қўйди. Ҳозир, бугундан бошлаб қатъий чоралар кўрилмас экан, эртага бу муаммо жуда кескинлашиб кетиши мумкин. Иш билан таъминлашнинг энг маъқул усули қўшма корхоналар ташкил этишдир. Ҳозир вилоятда 40 тадан кўпроқ қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида рақобатлаша олади.

Пискент экологик жиҳатдан аҳвол энг мураккаб районлардан бири. Олмалиқдаги корхоналар бу ерга салбий таъсир кўрсатяпти. Районда айниқса ичимлик сув муаммосини тезроқ ҳал этиш даркор.

Вилоят ҳокими қишлоқ меҳнаткашлари ўз томорқаларида етиштирган маҳсулотларни сотишларига кўмаклашиш, ҳозирдан қиш мавсумига тайёрланиш ва бошқа масалаларга ҳам тўхталди.

Фаоллар йиғилишида сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўнинчи сессияси қарорларини амалга ошириш юзасидан қатор таклифлар билдирдилар.

А. УСМОНОВ: «Пискент» давлат хўжалигининг директори:

— Қуруқ митингбозлик, эҳтиросларни авж олдириш билан халқ қорнини тўйдириб бўлмайди. Бугун ҳамма ўз иш жойида астойдил меҳнат қилиши лозим. Республикамиз мустақил бўлди. Биз бошқалар ёрдамига кўз тикмасдан, ўзимиз маъмурчилик яратишимиз даркор.

А. ОТАҚЎЗИЕВ: А. Навоий номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи:

— Вилоят ҳокимининг район атроф муҳитини яхшилаш тўғрисидаги гапларини тўла қувватлайман. Қишлоқларимизда аҳвол оғир. Ҳеч бўлмаса аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун уларни ташийдиган машиналар топиш керак. Табиатимизни шу аҳволга солиб қўйган Олмалиқ химия заводи муаммони ҳал этишга баҳоли-қудрат ўз ҳиссасини қўшиши керак.

М. САМАДОВ: уруш фахрийси:

— Қўшни республикалардаги воқеалар бизга сабоқ бўлиши керак. Агар аҳил, иноқ бўлмасдан, қуруқ ваъдаларга ишониб эҳтиросларга берилсак, ҳозирги оғир иқтисодий аҳвол янада мушкуллашади.

М. ҚОСИМОВ: томорқа хўжаликлари эгалари район комитетининг раиси:

— Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар бўлиб турибди. Бундай камчиликларга барҳам берилиши лозим. Бугун раҳбарлар халқ ичида бўлиб, улар меҳнати, турмушида пайдо бўлаётган муаммоларни тез ҳал этиш чораларини кўришлари зарур.

Фаоллар йиғилишининг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ўнинчи сессияси қарорларини қўллаб-қувватлашга якдиллик билан қарор қилдилар.

Фаоллар йиғилишида вилоят давлат назорати қўмитасининг раиси Э. М. Рўзиев иштирок этди.

А. НОСИРОВА.

НОТАЛАР АЙИРБОШЛАШ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов 15 июль куни Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жан Пьер Риттерни ишонч ёрлиғини топшириш арафасида қабул қилди.

Дўстона суҳбат чоғида ҳар иккала томонни қизиқтираётган сиёсий ва иқтисодий масалалар тилга олинди.

Шундан кейин Швейцария Конфедерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида ноталар айирбошланди.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА

(Боши 1-бетда).

Ҳамдўстлиги низоми лойиҳасини тайёрлаш; истиқомат жойларидан кўчириб юборилган халқлар ва кўчириб юборилган майда миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалаларга доир битим лойиҳасини тайёрлаш ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири кенгаш қатнашчиси — Украина ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Б. И. Тарасюк билан суҳбатлашди.

— Бу кенгаш Ҳамдўстлик давлат бошлиқлари кенгашининг 6 июлда Москвада бўлиб ўтган мажлиси қарорига мувофиқ ўтказилди. МДҲдаги бир қанча давлатларда ташвишли вазият юзберганлиги кенгаш чақирилишига сабаб бўлди. Шу муносабат билан давлат бошлиқлари ташқи ишлар, Мудофаа вазирлигига ҳамда чегара қўшинларининг қўмондонларига ана шу давлатларнинг тегишли илтимосига мувофиқ тинчликни сақлаш гуруҳларини ишга солиш механизмига доир ўз таклифларини киритишни топширган эди. Ҳужжатлар экспертлар гуруҳининг Олмаотадаги учрашувида дастлабки тарзда муҳокама қилинди. Бугунги кенгаш катта сиёсий аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси билан икки томонлама алоқалар масаласига келсак, республикалар ўртасидаги анъанавий муносабатларга хос бўлган дўстлик ва ҳамкорлик бундан буён ҳам асосий ўрин тутади. Биз ҳамкорлик давом этаётганлигидан мамнунмиз ва ушбу ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш учун бизда катта имкониятлар бор деб ҳисоблаймиз.

Шу куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мудофаа вазирлари кенгашининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. У. Аҳмедов очди. Анжуманда МДҲ Бирлашган қуролли кучлари Бош қўмондони авиация маршали Е. И. Шапошников нутқ сўзлади.

Мудофаа маҳкамаларининг раҳбарлари Ҳамдўстлик давлатларидаги можаро зоналарида тинчликни сақлаш коллектив кучларини ишга солиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқишга асосий эътиборни қаратдилар. Ҳамма томонни қизиқтираётган бошқа ҳарбий масалалар ҳам муҳокама қилинди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул этилди.

МДҲ Бирлашган қуролли кучлари бош қўмондонининг вакили генерал-лейтенант Л. Г. Ивашов ЎзА мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов МДҲ давлат бошлиқларининг Москвадаги кенгашида ҳамдўстликнинг муайян минтақаларидаги ҳарбий можароларнинг биргалашиб олдини олиш тўғрисида таклиф киритган эди, бу таклиф барча республикаларда маъқулланди. Бу амалий ёндашувнинг яна бир муҳим томони шундаки, тинчликни сақлаш кучлари келишувга мувофиқ можаро юз бериши мумкин бўлган зоналарга киритилиши мумкин. Бундан мақсад битта — одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш, аҳолини бир-бирига қарама-қарши курашаётган гуруҳлардан ҳимоя қилишдир. Бугунги кенгаш тўғрисида гапирадиган бўлсак, унда қабул қилинган қарорлар ҳамдўстликдаги барча давлатларнинг муштарак манфаатларини ифодалайди.

Кенгаш тугагандан кейин журналистлар билан учрашув бўлди.

Суратларда: кенгашни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Р. У. Аҳмедов очди (ўнгда); учрашув пайти.

С. Величкин сурати. (ЎзА).





ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШ ҲУҚУҚИ

● Москвадаги оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ҳақидаги шов-шувли хабарлар билан дунёга жар солмоқда. Бир неча кун муқаддам «Новости» («Янгиликлар») телепрограммасининг ходими ўзини билимдон кўрсатиб, телетомошабинларга сўнгги вақтда Тошкентда муҳолифият қувғин қилинаётганини, унинг намояндаларига нисбатан 20 та жиноий иш қўзғатилганини айтди. «Бирлик» жарчиси А. Усмонов унинг ёнига қўшилиб, «Комсомольская правда» газетасида гўё Тошкент Мустақил демократик давлатлар ҳамдўстлигида сиёсий тангликни куч ишлатиб ҳал этишнинг жазо усуллари учун синов майдонига айланиб қолди, деб огоҳлантирди...

Ўзбекистонда яшаётганларга бу гапларнинг беҳудалиги равшан. Шунга қарамай, айтилган сўз — отилган ўқ, дейдилар... Айни шу боисдан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбирлари шарҳлашни сўраб, республика прокурорининг муовини—Тошкент шаҳар прокурори Т. Қ. МИРЗАЕВга мурожаат этишди. Аввало, гўёки сўнгги кунларда жиноий иш қўзғатилган 20 киши хусусида сўзлаб беришни илтимос қилишди.

— Ҳозирги вақтда шаҳар прокуратурасида шу тоифадаги 4 та жиноий иш мавжуд. Ишлар қўзғатилганига анча бўлган ва улар муҳолифият намояндаларига эмас, балки республикада амал қилаётган қонунларни бузган муайян фуқароларга қарши қаратилган.

Шу жиноий ишлардан бири 18 март куни «Эрк» газетасида Тоғли Қорабоғдаги воқеаларга бағишланган миллатлараро низони авж олдиришга қаратилган, зўравонликка даъват этувчи мақола эълон қилиниши муносабати билан қўзғатилган эди. Маълумки, бу хил хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланган. Мақола муаллифи Тоғли Қорабоғдаги воқеалар моҳиятини қаддан ташқари жўн талқин этиб, озарбойжон ва арман халқлари ўртасидаги мавжуд мураккаб муаммоларнинг тарихан чалкаш тугунини ҳар икки халқнинг Ўзбекистонда яшайдиган вакилларига ҳам боғламоқчи бўлган. Республикамизда озарбойжонлар ҳам, арманлар ҳам оз эмас. Газетада эълон қилинган — томонлардан бирини қўллаб-қувватлашга даъват қон тўкилиши хавфини келтириб чиқариши мумкин эди. Биз эса Фарғона воқеаларининг даҳшатини унутганимиз йўқ. Республикада бу хил воқеаларнинг такрорланишига йўл қўйиб бўлмайди.

Айтмоқчи, қўзғатилган бу жиноий иш ўша вақтдаёқ — мақола муаллифи телевидение орқали расмий равишда газетадаги мақоласининг хато эканини тан олиб, мақола мазмунидан келиб чиқиши мумкин бўлган хулосаларни ошкора қоралаганидан сўнг тўхтатиб қўйилган. Қонун — инсонпарвар, у содир этилган, аммо кейинчалик оқибати англаб етилган хатолар учун таъқиб қилмайди.

Иккинчи иш ёзувчилар атрофида ўралашиб юрган «жамоатчилик»нинг берухсат йиғин ўтказиб, ўзбошимчалик билан ғайриқонуний «Қорабоғ» комитетини тузгани билан боғлиқ. Бу комитет шунчаки расмият нуқтаи назаридан эмас, балки моҳияти тажовузкор, яна ўша миллатлараро низони келтириб чиқаришга, зўравонликни авж олдиришга — бир халқ манфаатларини иккинчи халқ манфаатларига қарши қўйишни қўллаб-қувватлашга қаратилгани учун ҳам ғайриқонуний-дир. Прокуратура Ўзбекистон қонунларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланиб, чора кўришга мажбур бўлди: икки қўшни халқ ўзаро муносабатларини ташқаридан аралашувсиз ўзлари ҳал қилишлари лозим.

Бироқ ғайриқонуний комитет фаоллари бу ҳолни назар-писанд қилмадилар, қутқу солишдан иборат ғайриқонуний фаолиятларини тўхтатмадилар. Улар Тошкент аҳолисини 22 март куни Мустақиллик майдонида ўтказиладиган митингда қатнашишга чақирдилар. Башарти, мазкур иғвогарликлар рўёбга чиқиб, ақл-идрок ўрнига эҳтиросларга авж олиб, кўп минг кишилик оломон жунбушга келганида бу воқеалар оқибати нималарга олиб бориши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Аммо улар ақл-идрок билан иш тутмай, қайсарлик қилиб, ўз билганларидан қолмадилар. Ана шундан кейингина «Қорабоғ» комитетининг ўжар фаоллари ҳақиқатан ҳам жавобгарликка, лекин жиноий жавобгарликка эмас, фақат маъмурий жавобгарликка тортилди.

Одамларни можароли митингбозликка даъват этувчи варақаларни шаҳар бўйлаб намойишкорона ёпиштириб юрган икки нафар тартиббузар қонунга мувофиқ 15 кун қамоқ жазосига ҳукм этилди, қолганларига жарима солинди ёки улар расмий равишда огоҳлантирилди.

Шу тусдаги яна бир жиноят апрель ойида рўй берди. Жиноий иш қўзғаш учун эса аниқ далил бор эди: «Бирлик» халқ ҳаракатининг яширин равишда нашр этилаётган газетасида халқ сайлаб қўйган олий ҳокимиятга туҳмат қилинган. Маълумки, давлат ҳокимияти раҳбарларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя этадиган қонун бор. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида ҳам шу тусдаги ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни кўзда тутадиган 191-модда мавжуд. Шуни ҳам айтиш керакки, барча маърифий дунёда ана шундай ҳуқуқий меъёр қабул қилинган. Шу ишни тергов қилиш жараёнида маломатгўйларнинг шахси аниқланди, улар орасида юқорида номи зикр этилган Анвар Усмонов ҳам бор эди. Тафсилотларни аниқлаш учун прокуратурага таклиф этилганда, у негадир Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетишни афзал кўрди.

Ниҳоят — Тошкент прокуратурасида қўзғатилган шу тоифадаги сўнгги жиноий иш. Бу ишнинг «қаҳрамони» ўша маълум ва машҳур «ҳаракат»нинг вакили Ёдгор Обиддир. Бу иш ҳозир ҳамма билган Душанбе шаҳрининг Шаҳидон майдонида бўлган воқеалар билан боғлиқ. Мазкур вакил Шаҳидон майдонида май ойида бир неча кунлаб давом этган митинг қатнашчилари ҳузурида ўзбек халқи номидан сўзга чиқиб, Тожикистондаги мавжуд конституциявий ҳокимиятни ағдаришга қаратилган ҳаракатларни маъқуллаган, Ўзбекистон ҳукумати шаънига туҳмат ёғдирган.

Душанбеликлар унинг нутқини видеокассетага ёзиб олиб, «Бу — бизнинг ишимиз, ўзимиз ҳал қиламиз, сизлар эса ўз фуқароларингизни тартибга ва мустақил давлат қонунларини ҳурмат қилишга чақириб қўйинглар» деган талаб билан Тошкентга юбордилар.

Собиқ Марказдаги вижддони жуда пок деб бўлмайдиган журналистларнинг нохолис талқинида Ўзбекистонда муҳолифиятга қарши авж олдирилган кенг миқёсли жазо тадбирлари бўлиб кўринаётган ҳамма ишлар мана шулардан иборат.

— Яна бир масала: чет эл оммавий ахборот воситалари «Бирлик» раҳбари Абдураҳим Пўлатов калтаклангани хусусидаги миш-мишларни такрорлагани-такрорлаган. «Мустақил» журналист Анвар Усмоновнинг яқинда айтишича, Пўлатов калтакланаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари бир четда томошабин бўлиб туришган эмиш. Жабрланувчига ҳеч қандай ёрдам қилмаган эмиш.

— Усмонов бўлган гапни атай бузиб кўрсатмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари бу ҳодисага тасодифан шоҳид бўлиб қолганлар. Улар жабрдийдаларга ёрдам қилмади, дейиш инсофдан эмас. Улар Пўлатовга ёрдам беришга дарҳол етиб келмаганларида, воқеа фожиалироқ тугар эди. Прокуратура ва ички ишлар бошқармаси вакиллари аралашгандан кейингина безорилар қочиб кетишган. Прокуратура ходимлари «тез ёрдам» машинаси келишини кутмай, Пўлатов ва унинг дўстларини касалхонага олиб боришган.

Маълумки, «Бирлик» раҳбарини калтаклаш воқеаси хусусида жиноий иш қўзғатилди. Шу ўринда эътиборингизни бир тафсилотга жалб этмоқчиман. Муҳолифиятдаги журналистлар Пўлатов калтакланган ҳақида бутун жаҳонга жар солиб, нима учундир унинг ёнида адвокат М. Одилов ва унинг биродари борлигини, улар ҳам калтакланганини унутиб қўймоқдалар...

Бизнингча, бундай бир ёқламалик тасодифий эмас. Гап шундаки, «Бирлик»нинг можароталаброқ вакили М. Одилов фақат 29 июнь куни калтакланган йўқ. У бир кун олдин ҳам дўппосланган. Шу юзасидан Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район прокуратураси алоҳида жиноий иш қўзғатган. Бугина эмас. Ўша Одилов май ойининг охирида ҳам калтакланган. Бундан кимлардир М. Одиловни таъқиб қилмоқда, деган мантиқий хулоса чиқади. Лекин Одилов ғанимларининг бу хил муттасил «эътибори» сабаблари ҳақида кўрсатув беришдан бош тортмоқда. Шундай савол туғилади: М. Одилов Абдураҳим Пўлатов учун тақдири кажрафтор бўлмадимикан? Пўлатов Одиловнинг касрига қолмадимикан? Равшанки, буларнинг бари ҳозирча тахмин, бу тахминларни ҳали пухта текшириш лозим.

«ОЛМАЗОР» ОЛМАЛАРИ

ЭНГ ОДИЛ ҳакам —халқ. Бундан икки-уч йил илгари Чиноз районидаги «Олмазор» давлат хўжалиги ҳақида гап кетганда одамлар қўл силташарди. «Эсиз, эсиз, жуда яхши боғ-роғлари бор эди, қаровсиз қоляпти. Ҳосили яхши бўлмаяпти». Бугун эса бутунлай бошқача гапларни эшитасиз. «Хўжалик анча ўзини ўнглаб олди. Одамлари ҳам яхши даромад қилишяпти. Ҳамма нарсанинг ўз эгаси бор-да, масъулият кучайди».

Эришилаётган натижалар, қилинаётган ишлар билан танишиб, бу гапларда асос бор эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Хўжаликка янги раҳбарлик келгач далачиликдаги, мевачиликдаги ишлар янгича-сига ташкил этилди. Пудрат усулига қоғозда эмас, амалда риоя қилинмоқда. Боғбонлар, сабзаворкорлар меҳнатларига яраша рағбат кўра бошладилар. Шунинг учун ҳам ўтган йилни хўжалик юқори кўрсаткичлар билан якунлади. Мева режалари ортиғи билан адо этилди. Хўжаликнинг талайгина майдонларида узум етиштирилади. Узумни ўзимизда маҳсулот қилиб сотамиз, деб аҳд қилдилар. Бу аҳдга қатиқ риоя қилинди. Ҳозир хўжаликдаги вино заводида бир неча юз литр тайёр маҳсулот бор. Бу маҳсулотларни талабгорлар билан айрибош қилинмоқда.

Бу йил об-ҳаво анча ноқулай келишига қарамай мевадан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозирги кунга қадар консерва заводига ва Тошкент шаҳрининг Сергели, Чилонзор ва бошқа районларига 700 тоннадан ортиқ олма, олхўри ва бошқа мева-чева етказиб берилди.

— Давлат буюртмасига биноан биз 1220 тонна маҳсулот етказиб беришимиз керак,— дейди совхоз директори Йўлдош Тожибоев, — биз бу режани, албатта, ортиғи билан бажарамиз. Боғ-роғларда ҳосил сероб. Қолган 50 фоиз мева-чевани ўзимиз тасарруф қиламиз. Россиянинг бир қатор шаҳарлари билан алоқа ўрнатганмиз. Хусусан Қозон, Омск, Курган шаҳарлари билан маҳсулотимизни бартер усулида айрибошлаймиз. Бу иш бошлаб юборилди. Улар бизга ёғоч, темир-терсак ва бошқа қурилиш материаллари етказиб беришади.

Совхознинг Венера Абсалямова, Амина Эрхўжаева бошлиқ боғдорчилик бригадалари, сабзавот далаларида айни кунларда иш қизигандан қизиб кетди. Олхўри, олма пешма-пеш узилиб, шаҳарликларга жўнатилмоқда. Сабзавот, картошка, полиз экинлари топшириш давом этяпти.

Эгалик ҳисси, меҳнатга яраша рағбат — хўжаликда меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар кимнинг ўз имконияти, куч ва қобилиятидан мумкин қадар унумли фойдаланишга даъват этаяпти. Совхоз меҳнаткашлари ҳозирги иқтисодий қийин шароитда аҳволни ўнглаб олиш учун ҳар бир кун, ҳар бир қулай имкониятдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Шу йил бошида республикамизда халқ назорати органлари тугатилиб, давлат назорати органлари тузилган эди. Бугунги кунда улар ўз фаолиятларини кенгайтирмоқдалар.

Бўка район давлат назорати инспекцияси ходимлари ўз ишларини янги талаблар асосида ташкил этиб, турли хил иллатларга қарши самарали кураш олиб бормоқдалар. Улар яқинда район ҳокимлиги бўлимлари, солиқ инспекциясининг 1992 йил январь-апрель ойларидаги молиявий фаолиятларини текшириб чиқдилар. Текширишда район маҳаллий бюджети асосан тўғри бажарилаётганлиги, шу билан бирга молиявий ҳисобкитобда талайгина қўшимча ҳаражатлар борлиги, молия интизомини бузишга йўл қўйилаётганлигини аниқладилар. Масалан, район халқ таълими бўлимида йилнинг 1-чорагида хизмат сафарлари учун 15 минг сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари учун 50 минг сўм маблағ ортиқча сарфланган.

Шунингдек соғлиқни сақлаш бўлимида ходимларга озиқ-овқат учун пул белгиланганидан кўп тўланган.

Назорат инспекцияси марказий шифохона бош врачи Х. Асомова, бош бухгалтер А. Омоновларга ортиқча тўланган маблағни июль ойи давомида маҳаллий бюджетга ўтказиш вазифасини топширди.

Текширишда шу йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида турли корхона ва кооперативларнинг 20 марта ўз даромадларини яширганликлари аниқланиб, улардан даромад солиғи ундирилди.

Давлат назорати ходимлари республикада бюджет ижроси ва республика молиявий аҳволини барқарорлаштиришни тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун курашмоқдалар.

О. ХАМРОЕВ,
Бўка район давлат назорати инспекцияси қошидаги матбуот маркази аъзоси.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

Табиат ва инсон

МУҲИМ ОМИЛ

АТРОФ-МУҲИТНИ муҳофаза қилиш жуда кўп омилларга боғлиқ. Бу муҳим ишда эришилган фан-техника ютуқлари ҳам шундай омилларнинг бири ҳисобланади. Улардан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Шуни ҳисобга олиб, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида шаҳар ва район қўмиталари раисларини экологик муаммоларни ҳал қилишда эришилган янги ютуқлар билан таништириш йўлга қўйилди.

Бу йил шу масалага бағишланган қатор йиғилишлар бўлиб ўтди. Жумладан, «Экос» илмий ишлаб чиқариш концернининг директори А. Азизов ва шу концерн ходими С. Журавлевлар пойтахт экологлари олдида бу ташкилот фаолиятининг йўналишлари ва мавжуд илмий-ишлаб чиқариш ечимлар ҳақида батафсил гапирдилар. Бу ерда паррандачилик фабрикаларида, чорвачилик комплексларида оқаваларни тозалаш, паррандалар гўнгини донадор қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бундан ташқари, тупроқни нефть маҳсулотларидан тозалашнинг самарали усули ишлаб чиқилди. Бироқ бу усул МДҲ мамлакатларида кенг ёйилгани ҳолда бизнинг жумҳуриятимизда тўла жорий қилинмаяпти. Нотиқлар пойтахт вилоятида бу ишга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Чирчиқдаги «Мета» кичик корхонасининг директори А. Тураевский ўз нутқида тутун миқдорини ўлчовчи махсус «Кид-2» мосламаси ишлаб чиқилганлигини, уни автохўжаликларда кенг фойдаланиш яхши натижа беришини гапирди.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника кенгашининг бўлиб ўтган мажлиси Тошкент Давлат дорилфунуни амалий экология ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш илмий-тадқиқот бўлимининг Ангрен—Олмалиқ — Оҳангарон агросаноат районида экологик аҳволни тадқиқ қилиш бўйича ишлари натижалари ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Сўзга чиққанлар дорилфунун ходимларининг бу ишлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар ҳамда экологик тадқиқотларни уюштириш бўйича қатор таклифлар ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Фан-техника кенгаши корхоналар раҳбарларига дорилфунун олимларининг таклифларини муҳокама қилиш, бу мақсадлар учун маблағларни қидириб топиш ва илмий-тадқиқот ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган аниқ илтимосномаларни тезроқ тақдим этишни таклиф этди.

Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

ЕР ВА АҲОЛИ

ОНА заминимизда қанча инсон яшаганлиги ва вафот этганлиги кўпчиликни қизиқтирса керак. Албатта, бу ҳақдаги рақамлар аниқ эмас, шартли, тахминийдир. Швейцариялик бир олимнинг айтишига қараганда, инсониятнинг бутун тарихи давомида катта ва кичик урушларда тахминан 5 миллиард киши ҳалок бўлган. Бу рақам матбуотда, илмий адабиётда кўп келтирилади. Бироқ, унинг аниқлигига шубҳа ҳам йўқ эмас,

Шу нарса маълумки, XX аср инсоният тарихи давомида энг «қонли» аср бўлди. Сўнгги урушда 70 миллион кишининг ёстиғи қуриди. Собиқ СССРда XX асрда нотабиий йўллар (уруш, қатағонлик, очлик) билан 100 миллион киши оламдан кўз юмди. Агар биз асрлар ичига қанчалик чуқур кириб бораверсак урушларда ҳалок бўлганлар сони, шунингдек, ер куррасида яшовчи аҳоли сони ҳам камайиб бораверади, аксинча урушсиз ҳалок бўлганлар сони эса, яъни очлик, касалликлар ва табиий офатлардан ҳалок бўлганлар кўпайиб бораверади.

Бундан чиқадиган хулоса шундан иборатки, инсоният бутун тарихи давомида ҳарбий ихтилофларда ҳалок бўлганлар сони 500 миллион кишидан ошмаган бўлиши мумкин. Ер куррасида яшаган ва вафот этган кишилар сони тахминан 15 миллиард бўлган, бу эса унчалик кўп эмас.

МАН ҚИЛИНДИ

ҲИНДИСТОННИНГ тоғли минтақасида жойлашган Сипким штати ҳукумати бу ерда кенг тарқалган татуировка қилишни маън этди.

Тиббиёт ходимлари шуни аниқладиларки, инсон териси тагига игна санчиш ва суркаб ишқалаш йўли билан бўёқ моддаларини сингдириш қатор хавфли тери касалликлари пайдо бўлишига, айрим ҳолларда СПИД билан оғришга олиб келар экан.

ТОШ... ЮМШОҚ ТЕГАРДИ

АРМАНИСТОНнинг Беркануш қишлоғида ғаройиб воқеа содир бўлиб, ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборди. Кечки пайт эди. Кундузи билан ишлаб сўри тагида ҳордиқ чиқараётган боғбонлар ва соҳибкорлар тош бўрони остида қолдилар. Сўри устига турли катталикдаги тошлар, уларнинг айримлари муштдек эди, ёғила бошлади. Жаҳли чиққан кишилар атрофни айланиб чиқишди, лекин ҳеч кимни топа олишмади.

Тошлар яна отила бошлади. Шуниси қизиқки, улар жуда аниқ отилар — кишилар орқасига, бошига тегарди. Лекин улар юмшоқ бўлиб, оғритмасди.

Бу воқеанинг гувоҳи бўлганлар етиб келган мутахассисларга ой ёруғида унча катта бўлмаган тош икки марта ердан кўтарилиб ўзлари томонга секин учиб келаётганлигини ўз кўзлари билан кўрганликларини айтишди.

Эртасига шу сўри остида ёш ходим орқасига тош келиб тегди. Орқасига қараганда эса тезлик билан узоқлашаётган булутни кўрди. Ғира-ширада эса навбатдаги «шўхликдан» кейин одамга ўхшаш шарпа кўринди. Бундай ғаройиб ҳодиса икки ҳафта давомида кўпайиб-камайиб давом этаверди. Айримлар боғ ичкарисида икки қатор туриб олган қизил оловларни кўришди, улар дам ёришар, дам хиралашарди. Бир қанча кишилар анча баландликда нималигини тушуниб бўлмайдиган учбурчак нарсани кўрдилар. Кунларнинг бирида яқиндан ўтадиган шох кўча устида оловсимон-қизил шар осилиб турди.

Уфологлар бу воқеани ғайритабиий деб ҳисобладилар. Ҳақиқатан ҳам жинлар билан боғлиқ бўлган бу миқёсдаги ҳодиса МДҲнинг очиқ кенгликларида содир бўлмаган эди.



— Гаҳ, қарқуноғим.

Суратчи Х. МИРЗАКАРИМОВ.



Табиат-ҳайкалтарош.

Д. АҲМАД сурати.

СЕРҲОСИЯТ ЎСИМЛИКЛАР

АМАРАНТ

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг илмий муассасалари ва қатор илғор хўжаликларида ҳосилдорлиги юқори, оқсили кўп озуқа ўсимликлари синаб кўрилмоқда. Уларнинг ичида амарант истиқболли озуқа ўсимлиги сифатида ажралиб туради.

Муҳим халқ хўжалик аҳамияти, ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги ва мосланиш имкониятлари учун БМТ озиқ-овқат комиссиясининг (ФАО) экспертлари амарантни келгуси асрнинг энг муҳим ўсимлиги, деб тан олдилар. Амарант — ацтек ва инкларнинг қадимий экини бўлиб, саккиз минг йиллик экилиш тарихига эга. Уни озиқ-овқат ва ем-хашак сифатида ишлатишган. Амарант Марказий ва Жанубий Американинг қадимги халқларида жуда шуҳрат қозонган. Бироқ XVI асрда янги дунёнинг очилиши билан Испаниядан кўчиб келган кишилар уни экишни тақиқлаб қўйишади. У фақат алоҳида майдонларда ва бориш қийин бўлган жойлардагина сақланиб қолган.

Дунё ўсимликлари ресурсларини ўрганган буюк тадқиқотчи Н. И. Вавилов ўттизинчи йиллардаёқ бу экинга диққат-эътиборни қаратди. У 40-йилларнинг бошидаёқ амарантни ўрганишга ва мамлакатимизда уни озуқа экини сифатида ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни тавсия қилган. Бироқ бу ишлар маълум сабабларга кўра ривожланмади.

Биз бугунги кунда унга бутун дунёда, қайтадан қизиқишнинг гувоҳи бўляпмиз. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар амарантнинг ижобий хоссалари кўплигини кўрсатди. Ҳозир Марказий ва Жанубий Америка мамлакатларида, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг илмий-текшириш институтларида ва университетларида бу ўсимликни ўрганчш юзасидан кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда амарантни ўстиришнинг янги босқичи ва кенг ишлаб чиқариш синовлари шуни кўрсатдики, уни шимолдан ташқари барча тупроқ-иқлим минтақаларида экиш мумкин. Ҳар гектаридан амарантнинг ҳосилдорлиги 1000—3000 центнер яшил массани, 200—600 центнер қуруқ моддани ташкил этади. Ҳар 100 килограмм амарант яшил массасида ўртача 15—18 озуқа бирлиги бўлиб, бир озуқа бирлиги таркибида 180—200 грамм хазм бўладиган протеин бўлади. Яшил массада гуллашидан олдин 25 фоиз оқсил бўлади.

Амарант оқсили муҳим аминокислоталарга бой — 100 грамм оқсилда 6—8 грамм лизин, 8—10 грамм лейцин, 5—7 грамм валин ва ҳоказолар бор. Амарант оқсилининг озуқа қиймати—75 га тенг (таққослаш учун сигир сутиники — 72, соясиники — 68, буғдойники — 57). Амарант яшил массасининг озуқа бирлигида маккажўхориникига нисбатан беш марта кўп протеин бўлади. Шунинг учун яшил амарант, маккажўхори ва бошоқли ўсимликлар аралашмасидан оқсили етарли силос тайёрланади. Ундан донадор озуқалар ва брикетлар тайёрлаш мумкин.

Озуқа мақсадлари учун амарантнинг дони ишлатилади. Унда 16—19 фоиз оқсил, 60—65 фоиз крахмал, 6—9 фоиз ёғ бўлади. Амарант унини бошқа бошоқли ўсимликлар уни билан аралаштириб нон ва нон маҳсулотлари, печеньелар ва бошқа пархез маҳсулотлари тайёрланади. АҚШда амарантдан 1990 йили 70 хил озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Амарант донини техникавий ва дори-дармон мақсадларида ҳам кенг ишлатиш мумкин. Ундан шифобахш мой, қандолат ва атир-упа саноати учун сифатли крахмал, болалар учун ва пархез таомлар учун бошқа биологик актив моддалар олинади. Унинг нозик баргларини димлаш, қовуриш ва шундайлигича ишлатиш мумкин.

Амарант бир йиллик ўсимлик бўлиб, 60 дан ортиқ тури маълум. Бу ўсимликнинг баландлиги ўртача 1,7—2,5 метр, айрим турлариники эса 4 метргача етади. Бу ёруғлик ва намликдан самарали фойдаланишга имкон беради. Амарант ёруғлик ва иссиқликни севувчи ўсимлик. Ривожланишнинг дастлабки босқичида (2—3 ҳафта) у жуда секин ўсади, сўнгра ўсиш тезлиги кунига ўртача 6,5—8 сантиметрни ташкил қилади. Йилига 3—5 марта ўриш мумкин. Ўрилгач яна ўсиб чиқаверади.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг Андижон, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида ҳамда Чимкент вилоятининг айрим хўжаликларида амарантнинг 12 хил нави экиляпти. Дастлабки натижалар жуда қувончли: сигир сути миқдори 20—25 фоиз, мойлилик даражаси 0,4—0,6 фоизга ошди, қорамолларнинг тирик вазни анча кўтарилди. Ҳозирги кунда 500—800 центнердан кўк масса олинмоқда.

Амарант ўсимлиги республикамиз қишлоқ хўжалигида ўз самарасини беришига ишонамиз. Уни кенг жорий қилиш мақсадида Тошкент давлат дорилфунуни ҳузурида МДҲ «Амарант» ассоциациясининг Ўзбекистон бўлими ташкил қилинди.

К. САФАРОВ,
ТошДД ўсимликлар физиологияси кафедрасининг мудири, «Амарант» ассоциацияси Ўзбекистон бўлимининг раиси.

БЕКОБОД. Шаҳардги цемент комбинатида экологик нормалар қўпол равишда бузилмоқда. Бу ҳақда корхона раҳбарлиги бир неча бор огоҳлантирилди, уларга кўрсатмалар ҳам берилди. Лекин табиатни муҳофаза қилиш ишларида силжиш унчалик сезилмаяпти. Натижада корхонанинг раҳбар ходимларига нисбатан жазо чоралари кўришга мажбур бўлинди. Жумладан, комбинат директорининг ўринбосари О. Ҳакимов шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси танбеҳларини инобатга олмаганлиги учун 300 сўм жарима тўлашга мажбур қилинди. Энергетика цехи бошлиғи А. Эшматов ҳам шунча миқдордаги пулни ўз ҳамёнидан чиқариб берди.

«Чермет» фирмасида ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишлари ўлда-жўлда бўлиб ётипти. Атроф-муҳитни булғатиш ҳамон давом этмоқда. Бир неча бор берилган танбеҳлар кор қилмади. Шундан кейин фирма бош директорининг ўринбосари Б. Ҳакимов минг сўмлик жарима билан жазоланди. Чунки бу ерда табиатни ифлослантириш билан боғлиқ бўлган ишлар бевосита шу раҳбар ходимга тааллуқлидир. Бошқа раҳбар[illegible]ар ҳам че[illegible]а қолмадилар. Жумладан, фирма президенти В. Сафроновга 500 сўм, бош мухандис Ю. Цойга ҳам 500 сўм жарима солинди.

АНГРЕН. Шаҳарда сувдан фойдаланиш қонунчилигини бузиш ҳоллари кўплаб учраб турипти. Айрим ҳолларда у жуда қўпол шаклда бўлмоқда. Яқинда ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, қатор корхоналар ва ташкилотларда бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шунинг учун ҳам раҳбар ходимлардан 25 нафарига ҳаммаси бўлиб 5200 сўмлик жарима солинди. «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармасининг икки мансабдор шахси мукофотнинг 25 фоизидан маҳрум қилинди. Корхона директори В. Хорисов ва бош инженер Г. Бурлиевларга нисбатан шундай чора кўрилди. Улар илгари кўрсатилган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишини таъминламаганлар.

Ангрен давлат ноҳия электр станциясининг кулшлак хўжалигида экологик аҳвол ниҳоятда издан чиқиб кетган. Бу камчилик бир неча бор кўрсатилди. Лекин зарур чоралар кўрилмаяпти. Шу сабабли ҳам бу хўжаликда ишловчи инженер-техник ходимлар шу йилнинг биринчи квартали якунлари бўйича олинадиган мукофотнинг 50 фоизидан маҳрум қилинди.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги қўпол равишда бузилганлиги учун айрим ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишга қарор қилинди. Жумладан, «Планета» ширкати, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси автобазасининг дам олиш минтақаси, автосервис, вулканизация, Қўйлиқ асфальт-битум заводининг чўчқачилик фермаси ва нутриялар фермасига нисбатан шундай чора кўрилди.

ЧИРЧИҚ. Капролактам ишлаб чиқариши ҳамон атмосферани булғатувчи йирик манба бўлиб қолмоқда. Бу ерда ортиқча заҳарли моддалар ҳавога тарқатиляпти. Унинг миқдори белгиланганидан ортиқ бўлгани учун бош инженер В. Пак 250 сўмлик жарима билан жазоланди. Цех бошлиқларидан Р. Ким, А. Азаматов, Б. Рустамовлар эса лоқайдликлари учун 200 сўмдан нақд пул тўлашга мажбур бўлдилар. «Тоза ҳаво» операциялари якунлари бўйича ўн кишига 650 сўмлик жарима солинди.

БЎСТОНЛИҚ. Автомобиль йўли қурилгани яхши, лекин бунинг учун тегишли ташкилотлардан, шу жумладан, табиатни муҳофаза қилиш идораларидан рухсат олиш лозим. Лекин «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Х. Ашуров бу масалада ўзбошимчалик қилди. Бу эса изсиз қолмади, унга қимматга тушди. Шахсан ўз ёнидан 500 сўм жарима тўлашга мажбур қилинди. Ғазалкентдаги автоколонна бошлиғи Ж. Шерназаров 300 сўм, шу ердаги автотранспорт корхонасининг директори Ш. Расулов ҳам 300 сўм жарима билан жазоланди.

«Казбек» дам олиш зонаси учун масъул бўлган А. Назиров табиатни муҳофаза қилиш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги, бу соҳада бефарқлик қилганлиги учун ўз ҳамёнидан 200 сўм пулни маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказди. «Хўжакент» совхозининг звено бошлиғи Н. Ан минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланаётганлиги маълум бўлди. Бунинг учун у 100 сўм жарима билан жазоланди.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ. «Сергели» давлат хўжалиги-саноат комплексида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги қўпол равишда бузилаётганлиги текширишда аниқланди. Жумладан, 3-цехнинг оқава сувлар тўпланадиган ҳовузи ўпирилиши оқибатида анча миқдордаги ифлос сув унинг яқинидаги коллекторга қўшилиб кетди. Бунинг учун цех бошлиғи А. Усмоновга 300 сўм миқдорида жарима солинди. Хўжаликка эса табиатга етказган зарари учун 5068 сўм пул тўлаш юзасидан даъво расмийлаштирилди.

ЯНГИОБОД. Ангрен совутгичининг ёрдамчи хўжалиги бўлган «Мускат» ширкатида атроф муҳитни булғаш ҳоллари кўплаб учраб турипти. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ширкат раҳбарларини бу ҳақда бир неча бор огоҳлантирдилар. Ҳатто уларга камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ҳам ҳавола этишди. Шундай тавсиянинг иккитасигина рўёбга чиқарилди. Қолган 7 таси эса бажарилмади. Хўжаликнинг бутун ҳудуди ҳамон ифлос ҳолда. Гўнг очиқ жойда тўплаб қўйилган, у дезинфекция қилинмайди. Натижада пашша-чивинларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу ерда сувдан фойдаланиш учун рухсатнома ҳам олинмаган. Ширкат яқинидан ўтадиган Олатанга дарёсидан олинган сувнинг таркиби текширилганда юқоридаги камчиликлар оқибатида обиҳаётда зарарли моддалар анча ортиб кетганлиги аниқланди. Шундай камчиликларга йўл қўйган ёрдамчи хўжалик мудири В. Санников маошидан 300 сўми чегириб қолинди.

М. МУЙДИНОВ.

ЭКОЛОГИК КУНДАЛИК

Жонажон ўлкамизда ёз. Файзли, тароватли, серқуёш фасл. Боғларда пишиқчилик, далалардаги табиат ноз-неъматлари шунчалик турли-туман, жозибалики, кўзни қувнатади. Айниқса, ҳозирги иссиқ кунларда ҳам бошидан «оқ дўпписи»ни олмаган тоғлар, улар бағридаги ўрмонлар, кўкаламзорлар кишиларни ўз қўйнига даъват этади. Бундай гўзал табиат бағрида бир зум дам олишнинг ўзи ҳар бир кишига олам-олам ҳузур, бардамлик бахш этади. Ушбу суратда гўзал ва кўркам Чотқол тоғи ёнбағри тасвирланган.

Суратчи А. ЗУФАРОВ.



ҲАМОН ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон металлургия заводида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисда таъкидланишича, корхонада 1991 йил ва шу йилнинг ўтган даврида атроф-муҳит мусаффолигини яхшилаш бўйича муайян ишлар қилинди. Шу даврда 36 та табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилиб, бунинг учун 6,5 миллион сўмликдан кўпроқ сармоя сарфланди. Бу режа 126 фоиз қилиб бажарилганлигини ва қўшимча деярли 1,5 миллион сўм маблағ ўзлаштирилганлигини кўрсатади. Заҳарли моддаларни ҳавога чиқаришни камайтириш режаси тўла бажарилди. Унинг миқдори 135 тонна камайди.

Электр билан пўлат эритиш цехида атроф-муҳит мусаффолигини яхшилашга қаратилган қатор чоралар кўрилди. Биринчи, иккинчи ва учинчи электр печларида газ ва чангни ушлаб қолувчи янги мосламалар ўрнатилди, эскилари алмаштирилди. Натижада чиқиндиларнинг ҳавога тарқалиши 120 тонна камайди. Оҳак участкасида фильтрлар алмаштирилиши туфайли чангнинг тарқалиши 14 тоннагача озайди. Заводнинг бошқа цехларида ҳам чанг-газни ушлаб қолувчи қурилмаларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича қатор чоралар кўрилди.

Корхонада сувни тежаб ишлатишга бўлган эътибор анча кучайди. Натижада ҳар куни табиатнинг бу қимматбаҳо инъомидан фойдаланиш 72,1 минг куб метрдан 53,4 минг куб метргача камайди. Етарли тозаланмаган оқава сувларни Сирдарёга оқизиш тўла бартараф этилди.

Корхонада ҳамма ишлар 1991—1995 йилларда табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида амалга оширилмоқда. Белгиланган тадбирларнинг ҳаммаси рўёбга чиқарилгач, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ҳавога чиқариш бўйича белгиланган норматившлар даражасига етиш имконини беради. Ўтган йили заҳарли моддаларнинг атрофга чиқарилиши ҳаммаси 902 тоннага камайди.

Лекин завод ҳамон Бекобод шаҳрида табиатни ифлослантирувчи энг йирик манба бўлиб қолмоқда. Шаҳар бўйича чиқиндиларнинг 64 фоизи шу корхонага тўғри келади. Ўтган йили 11 минг 350 тонна заҳарли моддалар, шу жумладан 7181 тонна чанг, 3170 тонна азот оксиди, 267 тонна олтингугурт ангидриди ҳавога тарқатилди. Корхонада атроф-муҳитни булғатувчи энг асосий манбаи электр билан пўлат эритувчи цехдир. Бу ерда газ-чангни ушлаб қолишга мўлжалланган тизим самарасиз ишламоқда. Печлар ва газни тозалаш ускуналарини қайта қуриш ишлари 1990 йилда бошланган эди. Лекин, у жуда суст бораётганлиги учун ҳамон тугатилганича йўқ. Компрессорларни ишга тушириш судралмоқда. Бу цехларда ҳавонинг тозалигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаяпти.

Корхонанинг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш цехида ҳам атроф-муҳитни ифлослантириш камаймаяпти. Бу ерда оқавалар ва ёмғир сувларини оқизиш учун канализация қурилиши назарда тутилган эди. Лекин бу топшириқ бажарилмаяпти, ишлаб чиқариш технологиясига тўла амал қилмаслик зарарли оқаваларнинг ва мойларнинг тўпланиб қолишига олиб келди. Эндиликда бу оқаваларнинг Сирдарёга оқиб тушиш хавфи туғилди. Шунга қарамай у бартараф этилмаяпти. Бунинг устига энергетика цехида 11 та насос станцияси яроқсиз ҳолга келган.

Автотранспорт цехида ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ерда ёнилғи-мойлаш материаллари исроф қилинмоқда. Улар ҳар ер—ҳар ерда тўпланиб ётади. Худди шундай аҳволни мартен цехининг мотовозлар тузатиладиган участкасида ҳам кўриш мумкин. Автомашиналарни ювадиган эски станциядан фойдаланиш тўхтатиб қўйилди. Чунки бу ерда ифлосланган оқава сувларнинг етарли миқдорда тозаланиши таъминланмади. Унинг янгисини қуришга киришилмаяпти.

Корхона ишлаб чиқариш бўлинмаларида табиат муҳофазасини таъминлашда кўп ҳолларда лоқайдлик мавжудлигини кўрсатувчи бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон металлургия заводи раҳбарлигидан 1992 йилда табиатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг тўла бажарилишини таъминлаш учун барча чораларни кўришни талаб этди.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ходимлари ҳамда «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлари тайёрлашди.



КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба, 20. VII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Замона зайли».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари».
19.50 «Устоз ва шогирд». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Хайриддин Султонов. «Чангак». Видеофильм.
22.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
22.25 «Уз ихтиёри билан». Бадиий фильм.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Миришкорлар».
21.10 Кичик концерт.
21.30 «Лаҳза». Хабарлар.
21.40 «Оляга аталган гуллар». Бадиий фильм.
23.05 Адан. «Жизель» балетидан саҳналар.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 20 июль куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 17.00 дан бошлаб намойиш этилади.

● «ОРБИТА IV»

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 «Машъала ва балерина». Мультфильм.
17.30 «Славян бозори». Беларусь куни. Витебскдан кўрсатилади.
19.00 Телефильм.
19.15 «НЭП».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Квартира». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.00 «Рус балетининг юлдузлари». Беш серияли телевизион мусиқий фильм премьераси. 2-серия (Экран).
22.05 «Спорт уик-энди».
22.20 «Янги студия» таништиради: «Бомонд», «Джем-сейшн», «Дўстим— чақимчи». Публицистик фильм. Танаффус пайтида (23.00)— Янгиликлар.
00.20 Футбол шарҳи.
00.50 «Вертикаль бўйлаб пойгалар». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 20 июль куни «Дубль IV» кўрсатувлари соат 16.30 дан бошлаб намойиш этилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.30 Янгиликлар.
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Трансросэфир. «Улиб бораётган жанрми.. ?».
18.10 Криминал хабарлар экрани.
18.20 «Халфана».
18.50 Мусиқий танаффус.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Хабарлар.
19.20 Осиё тароналари.
19.50 «Эртанги кун бугундан бошланади».
20.40 «Хонанда».
21.02 Хабарлар.
21.20 «Эҳ, қўшнилар».
21.45 «Хонанда».
22.05 «Турникет» мусобақаси.

Сешанба, 21. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Асрлар оҳанги». Телефильм.
7.55 «Сени излаб». Бадиий фильм.
9.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.30 «Адолат». Ҳуқуқий видеоканал.
10.20 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
10.50 «Олий таълим — янгиланиш йўлида».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бувимнинг туғилган куни». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Зиёлилар уюшмаси: истиқбол ва режалар».
20.05 Чолғу куйларидан концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 Телевизион новеллалар театри. Тавфиқ ал-Ҳаким. «Изҳор».
22.10 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам».
19.30 «Соғломлаштириш масканларида». Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси, касаба союз уюшмаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ҳамкорликдаги рейди.
20.20 Эсдалик учун дастхат. «Игорь Корнелюк — Тошкент меҳмони».
21.00 «Бизнинг интервью».
21.20 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
22.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Рус балетининг юлдузлари». Беш серияли мусиқий фильм. 2-серия.
10.15 «Марафон-15».
11.00 Янгиликлар.
11.20 Халқ оҳанглари.
11.30 Футбол шарҳи.
12.00 Кўрсатувлар тартиби.
12.05 «Адам Смит бойлиги дунёси».
12.35 «Ён дафтар».
12.40 «Ҳордиқ чиқаринг».
12.55 «Вертикаль бўйлаб пойгалар». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Вертикаль бўйлаб пойгалар». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.30 «Славян бозори». Россия куни. Витебскдан кўрсатилади.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Папируслар». Телефильм.
17.40 «Сиёсат» студияси кўрсатади. «Конверсия ҳақида версия».
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Квартира». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
20.50 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатув.
21.10 «Беш ҳалқа».
21.35 «Стелла». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Хусусий изқуварнинг саргузаштлари» сериясидан (Венгрия).
22.40 Телефильм.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 «Вертикаль бўйлаб пойгалар». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Ҳақиқат онлари».
8.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
9.00 Россия қобусномаси. «А. С. Пушкин ва рус маданияти тақдири».
9.40 «Экзотика».
10.50 «Дунё охиридаги уикенд».
11.15 Маза, каникул. «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.00 «Простор».
15.30 Мульти-пульти. «Сеҳрли мўмиё».
15.40 «Болалик орзулари». Кўп серияли фильм премьераси (Франция). 11-серия.
16.00 «Рост» студияси. «Кенгуру».
16.30 Янгиликлар.
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Серташвиш оила».
18.30 «Сув билан келган маданият». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Ўғил болалар». Бадиий фильм.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.02 Хабарлар.
21.20 «Унсиз оламдаги сайрлар». Ҳужжатли фильм.
21.45 Мовий тун.
22.35 Экранда Туркия киноси.

Чоршанба, 22. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бойсунда қор эриганда». Телефильм.
7.55 «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм.
9.10 Араб тили.
9.40 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.40 «Хотиралар».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Жасур бўлиш осонми!». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» оқшоми.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Тижорат хабарлари.
19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодирова куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.35 Тижорат ҳабарлари.
21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас».
21.50 Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига. «Олтин бешик». Фарғона вилоятига бағишланади.
23.00 «Имконият». Бадиий фильм.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 Болалар учун фильм.
11.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Безнен мирас» (татар тилида).
11.50 «Асов дарё ўзанида». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.45 «Дўстларимиз даврасида».
20.15 «Ишбилармонлар».
21.05 «02» тўлқинида.
21.25 «Азизим, меҳрибоним онам». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.45 «Сеҳрли олмалар». Мультфильм.
10.05 «Брейн-ринг».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Сиз билан учрашганимдан хурсандман».
12.00 Мелиховода байрам.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Вертикаль бўйлаб пойгалар». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
15.30 «Славян бозори». Украина куни. Витебскдан кўрсатилади.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Сиёсат» студияси кўрсатади. «Репатриантлар».
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.40 «Кинопанорама».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Квартира». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
20.50 «Қора қути».
21.30 «Чет элга — яширинча». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Хусусий изқуварнинг саргузаштлари» сериясидан (Венгрия).
22.35 «Натали стилида». Юксак савиядаги модалар санъати.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 «Юрмала-92». Тунги мусиқий кўрсатув.
00.40 «Вертикаль бўйлаб пойгалар». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Уйин қоидалари» (Инсон ҳуқуқлари ликбези).
8.35 «Олтин Остап». Қизиқчиларнинг Бутунроссия танлови. 2-кўрсатув.
8.50 Вариацияли мавзу. «Авлиё Франциска Ассизский ибодатхонасида Европа мусиқаси дурдоналари».
9.30 «К-2» таништиради: «Медиа», «У ерда ким бор?» «3, 2, 1» кўрсатувлари, «Қулфбузар ўғри». Бадиий фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.00 «Кузирхоним».
15.30 «Тверь ракурси».
16.05 Янгиликлар.
16.20 Христианлар учун кўрсатув.
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Болалар даврасида.
17.50 Туркиянинг маданий ёдгорликлари.
18.30 Турк дунёси.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Икки хонанда».
20.00 «Қайноналар».
20.50 Манзарали фильм.
21.02 Хабарлар.
21.20 Мусобақалар.
22.10 «Умид таксиси». Видеофильм.
22.40 Талабларингизга биноан.

Пайшанба, 23. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Мен юртимнинг пок истакли кучиман». Телефильм.
7.55 «Ноқулай одам». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».
10.05 «Билимдон мунажжим». Телеспектакль.
10.55 «Халқ ижодиёти». Тўй маросимлари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бир том остида», «Бизнинг уй». Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Тадбиркорлар ҳузурида».
19.35 «Ҳуқуқий давлат сари».
19.55 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий куйлайди.
22.05 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Рақслар жилоси». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Давлетмуродова.
11.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Пашшахўрда».
12.10 «Асов дарё ўзанида». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Бизнинг муҳофазамизда».
19.20 «Меҳр-шафқатли бўлайлик».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.45 «Кинопанорама».
10.50 «Қулоқсиз мушукча». Мультфильм.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Иккинчи учрашув» рукни остида. «Богоявленск пичанзори хазинаси». Телефильм.
13.05 Кўрсатувлар тартиби.

* * *

13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Қайтиш нуқтаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
15.30 «Хит-топ-шоу. 50х50».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Лючано Паваротти — нодир воқеаси».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Квартира». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
20.50 Шоир Лев Ошанин ижодий кечаси. 80 йиллигига.
22.35 Кечки альбом.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.

23.40 «Максима».
00.10 «Юрмала-92». Тунги мусиқий кўрсатув.
01.10 «Қайтиш нуқтаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Бизнес ва сиёсат».
8.50 «Арабеск-92» балет танлови ҳақида мулоҳазалар.
9.50 Маза, каникул. «Чин сеҳргарлик сўзим». Бадиий фильм.
11.00 «Ҳали англанмаган коинот».
11.45 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 63-серия.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.55 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.00 «Терминал».
15.30 Мульти-пульти. «Укагинам».
15.45 «Пилигрим».
16.30 Янгиликлар.
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Ешлар.
18.15 «Ислом маданияти». Диний кўрсатув.
19.00 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан.
20.00 «Юрмала-92» оммавий куйлар халқаро танлови.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.03 Хабарлар.
21.20 Спорт.
21.50 Концерт.
22.50 Портрет.
23.15 Оилалар мусобақаси.

Жума, 24. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.25 «Шуҳрат Йўлдошев ижро этади». Фильм-концерт.
8.00 «Илонлар водийсининг касофати». Бадиий фильм.
9.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
11.20 «Дунё кезган либослар».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Очиқ дераза», «Кучукча ва етти ғозча». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Болалигим — пошшолигим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Замин саховати».
19.50 «Педагогика фанининг истиқболлари».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Мумтоз куйлардан концерт.
21.45 «Ҳулкар». Тележурнал.
22.45 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Навбаҳор» (Наманган) — «Нефтчи» (Фарғона). Ёзиб олинган.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Баҳодир». Телефильм.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уч оға-ини ботирлар».
12.00 Хор куйларидан концерт.
12.30 «Хатарли парвоз». Бадиий фильм.

* * *

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

18.00 «Бердиназар — шахир». Телефильм.
18.30 «Иқтисодиёт ва ҳаёт».
19.15 «Илҳом».
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 Махтумқули шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар.
20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун!
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Кулгу кечаси».
22.15 «Крепиш». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
9.45 «Лимпопо».
10.15 В. Норейка ҳамда Н. Некрасов раҳбарлигидаги халқ чолғу академик оркестрининг концерти.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
12.10 «Рақслар, рақслар, рақслар». Усмирлар ўртасида бал рақслари бўйича Россия чемпионати.
12.50 «Санъат оламида» рукни остида. «Сирли ойдин кечада, қуюқ ўрмонда». Ҳужжатли фильм.
13.10 Кўрсатувлар тартиби.
13.15 «Бридж».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Қайтиш нуқтаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.30 «Бугун ва ўша пайтларда».
16.00 «Чемпионлар билан биргаликда».
16.20 «Болалар мусиқий клуби».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Авиакосмик салон».
17.40 «Инсон ва қонун».
18.10 «Қора олифтавойнинг саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 2-серия — «Ишчи от» («Продакшнз лимитед», Англия).
18.35 «ТВ-Нева: Ким биз билан!».
18.55 Театр учрашувлари. «Бўлган воқеалар».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Ҳордиқ чиқаринг», «MTV».
22.00 «Славян бозори». Витебскдан кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
01.05 «Интерфест-92».
02.05 «Қайтиш нуқтаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене» студияси.
8.35 «ЧП» — фавқулодда ҳодиса».
8.55 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
9.10 Ҳужжатли панорама. Б. Свойский фильмлари. «Вилоятда содир бўлган воқеа», «Эпитафия».
10.00 Ифодалаш санъати. «Импрессионизм». А. С. Пушкин номидаги тасвирий санъат музейи залларида.
11.05 Мульти-пульти. «Будильниклар», «Кашфиётчи бўри».
11.20 Россиянинг телевизион театри. И. Кадомцев. «Мауғли». Ёш томошабинлар мусиқий театрининг спектакли.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.00 «Простор».
15.30 «Биринчи тайм».
15.45 «Ер остига саёҳат».
16.30 Янгиликлар.
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Биз ўзимизга ўхшаймиз». Видеофильм.
18.30 «Олтойликлар». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Қалбдан қалбларга.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 «Юрмала-92» оммавий куйлар халқаро танлови.
20.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.02 Хабарлар.
21.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.
23.20 «Мана шундай малика».

Шанба, 25. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Экватор» кемасининг пассажири». Бадиий фильм.
9.25 «Оналар мактаби».
9.55 «Бунёдкор».
10.20 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
10.50 «Шоҳруҳ» шахмат мактаби.
11.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга».
12.00 Тижорат канали. «Сув — ҳаёт манбаи».
12.30 «Меҳр кўп кўргаздим». Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова.
13.50 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас» (қозоқ тилида).
14.50 «Ассалом, Барселона!».
15.20 «Севги нидоси». А. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида «Таҳовар» дастаси саҳналаштирган телевизион рақс театри.

* * *

18.00 «Ғаройиб саргузашт». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.40 «Санъат оламн». Омон Азизов.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Сумалак» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Хинна». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1 ва 2-сериялар.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

11.05 Спорт кўрсатуви. Кураш бўйича халқаро турнир.
11.50 «Механик Гавриловнинг севимли маҳбубаси». Бадиий фильм.
13.05 «Оба дурмуши».
14.05 «Шекиллер».

* * *

17.05 «Айтерек-Гунтерек».
18.05 «Ватан ҳимоячилари» (рус тилида).
18.50 Ҳинд ва турк қўшиқлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 Туркманистон халқ артисти Х. Аннамуродов куйлайди.
20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун!
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Едиген». Адабий кўрсатув.
22.45 «Дардингни олай». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50 Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Бўри ва еттита эчки боласи янги талқинда». Мультфильм.
7.40 Спорт ҳамма учун.
8.10 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси (Германия).
8.40 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
8.55 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.25 «Марказ».
10.05 «Бумеранг».
10.35 «Мусиқий дўкон».
11.05 «Шамчироқ ўчмаслиги учун» (Л. Гумилев хотирасига).
11.40 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув.
11.55 «Фил учун совға». Мультфильм.
12.05 «Инсон институти».
12.45 «Диққат, ёшларнинг ўнинчи...».
13.05 «Инсон ёки иблис». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 1-фильм («Кадр» студияси).
14.00 Янгиликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Зазеркалье». «Енгил одимлар». Телевизион бадиий фильм.
16.05 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Футбол. Италия — АҚШ терма командалари. Испаниядан кўрсатилади.
17.55 «Елизавета ва Эссекснинг шахсий ҳаёти». Бадиий фильм премьераси. («Уорнер Бразерс» компанияси маҳсулоти, АҚШ).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Янгиликлар.
20.15 «КВН-92». «Олимпиада ўйинлари» мавсумининг чорак финали.
22.00 Янгиликлар.
22.35 Кўрсатувлар тартиби.
22.40 «Итоаткор ўқувчи». Катталар учун мультфильм.
22.55 XXV ёзги олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши. Испаниядан олиб кўрсатилади.
02.00 «Васнецовлар шажараси». Телефильм.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ҳужжатли панорама. Б. Свойский фильмлари. «Самаранинг осуда ёзи», «Ғалати авлод».
8.30 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.

*

9.00—13.05
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

9.00 «Чисен» (корейс тилида).
9.35 «Умид» (уйғур тилида).
10.25 Цирк кўрсатувлари.
11.10 «Безнен мирас» (татар тилида).
12.00 «Сизни қутлаймиз».
12.30 Шеърият дафтаридан.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

13.05 Кундузги сеанс. «Вертикаль». Бадиий фильм.
14.20 «Джентельмен-шоу».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.45 «Узоқ ва яқин».
15.15 Ёшлардан ёшларга.
15.35 «Лаблардан қалбга». Видеофильм.
16.30 «Биздан сизга».
17.30 Хабарлар.
17.45 «Икки хоианда».
18.15 «Инсоният бойлиги». Видеофильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 «Юрмала-92» оммавий куйлар халқаро танлови.
21.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 «Мюзик-холл».
22.20 Экранда Туркия киноси.

Якшанба, 26. VII

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».
8.00 «Кўк қуш». Бадиий фильм.
9.40 «Футбол майдонларида».
10.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар».
11.20 «Кичкина деманг бизни». Спорт кўрсатуви.
11.50 Тижорат канали. «Пойариқ истиқболи».
12.20 «Хотира». Чори Ҳамро.
13.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
14.35 «Чорвадор».
15.05 «Қўшиқ айтгани келдим». Ёш хонандаларнинг телевизион танлови.
15.55 «Бозор иқтисодиёти йўлида».
16.15 Ёркин Йўлдошев. «Зуҳал юлдузи». Ургут шаҳар халқ театрининг спектакли.

* * *

18.00 «Аждаҳо ва қуёш», «Тошбақалар». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Улоқ». Телефильм.
19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёз кунларининг бирида».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов куйлайди.
22.05 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

11.05 Мультфильмлар тўплами.
11.50 «Ғунча».
12.20 «Кичик саҳналар».
13.00 «Туркмен сеси». Тележурнал.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

17.05 Мультфильм.
17.20 «Новинки» киноклуби.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Журокто калган ирлар» кўрсатуви саҳифаларида.
19.55 Кечки видеосалон.

● «ОРБИТА IV»

5.20 «Руҳни чиниқтириш».
6.20 Кўрсатувлар тартиби.
6.25 Ритмик гимнастика.
6.55 Янгиликлар.
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 «Спортлото» тиражи.
7.45 «Эрта саҳарлаб».
8.25 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
8.55 «Янги номлар».
9.45 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Сув босган қишлоқ қўшиғи» (Чехо-Словакия).
10.15 «Пи» белгиси билан».
11.05 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Уч опа-сингил» (Франция).
11.10 «Янги авлод танлайди».
12.00 «Чайка». Телевизион бадиий фильм премьераси («Ковчег» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Экран»).
12.40 Халқ оҳанглари.
13.05 «Ёввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 9-фильм.
13.35 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9-фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.15 Кўрсатувлар тартиби.
14.20 «Мулоқот».
15.00 «Саёҳатчилар клуби».
15.50 «Уолт Дисней таништиради...».
16.40 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 «Мариинскда променад». Кўрсатувни В. Гергиев олиб боради.
19.00 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Сузиш. Велоспорт. Отиш. Испаниядан кўрсатилади.
«КВТ-1 ҳамда Франс интернасиональ канали» таништиради:
20.00 «Яхши қол, Рафаэль». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Нодир асарларнинг ишқибозлари» криминал туркумидан (Италия).
21.00 «Якунлар».
21.45 «Эндиликда». Диний кўрсатув.
23.00 Янгиликлар.
23.15 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Бокс. Отиш. Сузиш. Испаниядан кўрсатилади.
00.15 «Юрмала-92». Тунги мусиқий кўрсатув.
01.30 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Оғир атлетика. Спорт гимнастикаси. Бокс. Испаниядан олиб кўрсатилади.
03.20 «Оперетта айбланади...».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати.
8.20 «Эскулап».
8.30 «Телекроссворд».
9.00 «Ати-бати...».
9.30 «Суперкитоб». Мультфильм.
9.55 «А» программаси. «Роксаммер-92». Таллинн шаҳри.
11.55 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. Велосипед спорти. 100 км. Шоссе. Команда пойгаси. Эркаклар. Сузиш. Спорт гимнастикаси. Танаффус пайтида — Хабарлар.

*

16.30—19.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

16.30 «Дўстлар даврасида».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Хонаки экран. «Маржон тақдим ёримга». Бадиий фильм.
20.25 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. Велосипед спорти. Гуруҳлар пойгаси. Аёллар. Сузиш.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ


20.55 «Хонанда».
21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 «Уйинга таклиф».
21.30 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади (давоми).
23.00 «Юрмала-92» оммавий куйлар халқаро танлови.
00.20 Парламент хабарномаси.
00.35 Россия Конституцион суди залидан.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 17 июль сонидан олинди.





● «Мен Боймирзаев Мирзоҳид Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан...»

Биринчи марта янгитдан тузилган Республика Қуролли кучлари сафига кираётган 225 солдатнинг қасамёди шу тахлитда бошланди. Уларга халқимиз тинчлигини сақлаш ва ҳарбий техника ишониб топширилган. Улар бу ишончни оқлашга муносибдирлар. Суратларда: тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш пайти.

Р. ШАГАЕВ ва С. АЪЗАМОВ суратлари.

(ЎзА).

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● ДЕРАЗА ойнасига пешонани теккизиб турилса, бош оғриғи кетади. Карам япроғини суви чиққунча туйиб, пешонага ва икки чеккага бойланса ҳам бош оғриғига кони фойда. Карам сувини билак ҳамда қулоқорти чуқурчасига ҳам бойлаш мумкин.

● ТОМОҚ оғриганда қизил лавлаги суви ёрдам беради. Бунинг учун бир чой қошиқ асалга уч қошиқ лавлаги суви аралаштирилади. Ҳар куни уч-тўрт марта бурунга бир неча томчи томизилади.

● БЕМОР ётган киши ёстиғининг тагига пўчоғи артилиб, майдаланган саримсоқни қўйилса, у тезда соғайиб кетади.

● Баъзи кишилар кечалари алмойи-ажойи тушлар кўриб чиқадилар. Бундай кишилар ёстиғининг тагига яшил япроқли ёш бута қўйилса, ёмон тушлардан ҳоли бўладилар.

● Юракбуруғ касалига энг яхши чора — қора жилак (черника) қайнатмасидир. Уни чой қилиб дамлаш мумкин.

● Милк қонаганда эман пўстлоғи ва унинг янги гулларини қўшиб тайёрланган қайнатма билан оғизни чайиш фойдалидир. Икки ҳисса пўстлоққа бир ҳисса гул қўшиб, бир қошиқ бол аралаштириб, чой каби дамланади.

● Тунда сийдик тута олмовчиларга тенг миқдорда олинган сариқ матрушка ҳамда қизил чечак (золототысячник) аралашмасини чой каби дамлаб ичиш тавсия этилади.

«Суюмбика» ойномасидан.

• СПОРТ •

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон миллий Олимпиада комитетининг вице-президенти И. П. Барабан республика давлат спорт комитетида журналистлар билан учрашди. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибида Ўзбекистон миллий Олимпиада командасининг Барселона шаҳрида ўтказиладиган XXV жаҳон Олимпиадасида қатнашадиган спортчилари ва уларнинг имкониятлари ҳақида сўз юритилди. Барселонадаги баҳсда Ўзбекистондан 17 нафар спортчи иштирок этади.

Учрашувда Олимпиада командамиз аъзоларининг аксарияти совринли ўринларга даъвогарлар сафида эканлиги айтилди. Жумладан, спорт гимнастикасида О. Чусовитина, енгил атлетикада В. Зайцев, енгил атлетиканинг югуриш турида М. Шмонина, кўпкурашда Р. Ғаниев, боксда А. Григорьян, мерганликда А. Асрабоевларнинг тайёргарлиги чакки эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, чим устида хоккей бўйича эркаклар командасига Ўзбекистондан уч спортчи кирган. Юртдошларимиз қиличбозлик, найза улоқтириш, бокс, байдаркада эшкак эшиш каби Олимпиада баҳсларида ҳам қатнашадилар.

(ЎзА).

• Рўзномага келган хат ва жавоблардан

ЁРДАМ БЕРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ

ТУРМУШНИНГ ҳамма жабҳаларида ўз таъсирини кўрсатаётган бозор шароити кишиларни анча қийин аҳволга солмоқда. Айниқса, буни баҳона қилиб олган айрим шахсларнинг «қўллаётган усуллари» кишиларнинг ҳаддан зиёд норозиликларини келтирмоқда. Транспортлардаги, савдо-сотиқ ишларидаги ноҳақликлар эса бунинг яққол далилидир.

Муҳарририятимизга ҳам шу мазмундаги мактублар келмоқда. Қуйида биз шундай мактублардан бирини келтириб, бу борада масъул кишиларнинг жавобларини кутамиз.

«Ҳурматли муҳарририят!

Биз ушбу хатни ёзишимиздан мақсад — ҳақиқатни тиклашда ёрдам берар сизлар деган умиддамиз.

Маълумки, 1 июлдан йўл ҳақи ошди. Бунга норози эмасмиз. Лекин бундаги ноҳақликлар, қониқарсиз хизмат бизни қийнаяпти. Масалан, бизга шаҳардаги 4-автокорхона ҳамда (Калинин) Зангиота АТПси хизмат кўрсатади. Район марказида ишловчилар Зангиотадан район марказига (оралиқ масофа 9 километрга ҳам етмайди) йўл ҳақини 10 тийин тўлардик. Кейин 15, 20, 60, 1 июлгача 80 тийиндан тўлай бошладик. Энди эса ҳайдовчилар 4 сўмдан тўлашимизни талаб қилишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорида шаҳардан ташқари маршрутлар йўл ҳақи 3,3 фоиз ошсин, деган гап бор. У чоқда биз йўл ҳақини 2 сўм 65 тийин тўлашимиз керак-ку! Автопарклар эса йўл ҳақини 4,5 бараварга оширишди ёки улар учун алоҳида қарор чиққанми?!

Олган маошимизнинг ярмини ишга қатнаш учун йўл ҳақига тўлашга мажбур бўлаяпмиз. Бундай ҳолда ишлашдан нима фойда?

Биз ҳақиқатни билишни истаймиз. Бу борада эса ёрдам беришингизни сўраймиз».

Н. АБДУРАСУЛОВА, Ш. ОЛИМОВА, РАСУЛОВА, Ҳ. ШОКИРОВА, ва бошқалар.

Зангиота район маркази.

ОНАХОННИ ҚИЙНАГАН МУАММО

Муҳарририятимизга Тошкент шаҳар, Акмал Икромов ноҳиясининг Қашқарий 6-тор кўча, 11-уйда яшовчи Қумри ая Тошмуҳамедова қуйидаги мактубни йўллаган эдилар:.

«...Ёшим 76 да. Бир ўғил, бир қиз фарзандларим бор. Улар оилалик бўлиб кетишган. Турмуш ўртоғим барвақт оламдан ўтган. Уруш бошланиши билан (ўз боғларимизни — давлат зўрлик билан олган жойларни) «подсобное хозяйство»да анча вақт ишлаганман. Лекин бу ҳақда ҳеч қандай ҳужжат ололмаганман. Фақатгина 16 йил ишлаганлигим ҳақида меҳнат дафтарчамга ёзилган. Менга 175 сўм нафақа тайинланган. Райсобесга бориб сўрасак — «Стажингиз етмагани учун фақат қарилик нафақасини оласиз»,— дейишди. Умрида бир соат ишламаганлар ҳам 175 сўм олади-ку? Ахир 16 йил ишлаган билан ишламаган барибир экан-да?!

Сизлардан илтимос, шу муаммо тўғрисида маълумот берсангиз».

Шу ҳақда батафсил маълумот беришларини сўраб, мактубни Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот Бошқармасига юборган эдик. Яқинда Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Т. Рихсихўжаев имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Сизнинг аризангиз билан танишиб, Тошкент шаҳар Ҳокимлиги ижтимоий таъминот бошқармаси қуйидагиларни маълум қилади:

Сизнинг меҳнат стажингиз 14 йил 28 кунни ташкил этади. Бу стажга асосан 1992 йил январь ойидан пенсиянгизнинг миқдори 246 сўм 46 тийин, 16 мартдан эса 387 сўм 29 тийин миқдорида қайта кўриб чиқилди.

Пенсия янги миқдорда Сизга шу йилнинг июль ойида тўланади».

Муҳаррир ўринбосари Р. УМАРОВ.

• ЭЪЛОН •

Тошкент доришунослик олийгохи қошидаги Барака ширкати тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бир ой муддат ичида Тошкент шаҳар Ойбек кўчаси, 45-уйда қабул қилинади.

Янгийўл вино заводи маъмурияти «Тошкентвино» комбинатининг директори

Саъдулла Воҳидович ВОҲИДОВнинг

фожиали ҳалок бўлганлигини маълум қилади ва унинг қариндош-уруғлари, яқинларига таъзия изҳор этади.

ЭЪЛОН

«Средазстроймонтаж» трестининг Янгийўл қурилиш-монтаж участкаси жамоаси шу қурилиш-монтаж участкаси бошлиғи Т. А. Маликовга онаси

Турдихон МАЛИКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади. ●

Буюртма — Ғ. 131. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12